

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА  
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ДАВЛЕТОВА ДИЛФУЗА МАДИЁРОВА**

**ПРЕЭКЛАМПСИЯ РИВОЖЛАНИШ ХАВФИ БЎЛГАН  
ҲОМИЛАДОРЛАР ГУРУҲИДА ПЛАЦЕНТА ДИСФУНКЦИЯНИНГ  
ДИАГНОСТИКАСИ, ОЛИБ БОРИШ ТАКТИКАСИ ВА  
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Давлетова Дилфуза Мадиеровна**

Преэклампсия ривожланиш хавфи бўлган ҳомиладорлар гуруҳида плацента дисфункциянинг профилактикаси, олиб бориш тактикаси ва диагностикасини такомиллаштириш..... 3

**Давлетова Дилфуза Мадиеровна**

Совершенствование диагностики, тактики ведения и профилактики плацентарной дисфункции у беременных группы риска на развитие преэклампсии ..... 29

**Davletova Dilfuza Madiyarovna**

Improvement of diagnostics, management tactics and prevention of placental dysfunction in pregnant women at risk for the development of preeclampsia..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 59

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА  
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ДАВЛЕТОВА ДИЛФУЗА МАДИЁРОВА

ПРЕЭКЛАМПСИЯ РИВОЖЛАНИШ ХАВФИ БЎЛГАН  
ҲОМИЛАДОРЛАР ГУРУҲИДА ПЛАЦЕНТА ДИСФУНКЦИЯНИНГ  
ДИАГНОСТИКАСИ, ОЛИБ БОРИШ ТАКТИКАСИ ВА  
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2024

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib1607 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.uzaig.uz](http://www.uzaig.uz)) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Каримов Ахмад Хошимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Юсупбаев Рустем Базарбаевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Курбанов Джахонгир Джамалович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат стоматология институти**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100140, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 132а-уй. Тел./факс: (371) 263-84-83, (371) 263-47-50 E-mail: [info@uzaig.uz](mailto:info@uzaig.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ - рақами билан рўйхатга олинган (Манзил: 100124, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 132а-уй. Тел./факс: (371) 263-84-83, (371) 263-47-50

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.  
(2024 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.С.Надирханова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори

**М.М.Файзырахмонова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, биология фанлари номзоди

**М.М.Асатова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти.** Дунёда сўнгги йилларда ҳомиладорлик ва туғруқнинг кечишида она-йўлдош-хомила тизимидаги турли ўзгаришларнинг таъсири кўплаб ўрганилмоқда. Сабаби айнан мазкур тизимнинг турли соҳаларидаги бузилишлар ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврлардаги кўплаб асоратларга сабаб бўлиши исботланган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, плацентар дисфункция перинатал касалланиш ва перинатал ўлим сабабларидан бири ҳисобланиб, йўлдошдаги қон айланиш бузилиши ва унинг структур ўзгаришлари орқали хомила номақбул ҳолати, уни ўсиш ва ривожланишдан орқада қолиши ҳамда бошқа бир қатор патологик ўзгаришларга замин яратади. Сўнгги йилларда плацентар дисфункциянинг ривожланиш даражаси соматик ва акушер-гинекологик паталогияларнинг кенг тарқалиши натижасида 60 % га етди<sup>1</sup>.

Жаҳонда плацента дисфункцияси ривожланишининг этиопатогенези ўрганилмоқда. Оналар ўлимининг 24% и преэклампсия (ПЭ) сабаб қайд этилади ва ПЭнинг ривожланиш сабаблари орасида муҳим ўринни сурункали плацентар етишмовчилик эгаллайди<sup>2</sup>. Бунда асосий ролни фетоплацентар тизимда она-плацента ва ҳомилалик компонентлари ўртасидаги физиологик ўзаро таъсирнинг бузилиши, гипоксия, хомила ривожланишининг орқада қолиши ва янги туғилган чақалоқнинг саломатлик ҳолатига салбий таъсир омиллар эгаллайди<sup>3</sup>. Тиббиётнинг замонавий текширув усуллари ривожланган бир вақтда фетоплацентар тизим ҳолатига ягона қараш, тўғри ташхислашнинг аниқ стандартлар ва алгоритмлари ҳали ҳануз мавжуд эмас. Бир томондан эндоген омилларнинг хилма-хиллиги бўлса, иккинчи томондан эса ёндош касалликларнинг таъсири ҳамда патологик ҳолат симптомларининг спецификлиги юқори эмаслиги тўғри ва эрта ташхислаш имконини камайтирмоқда. Мана шу нуқтаи назардан илмий тадқиқотда плацентар дисфункциянинг ташхислаш усуллари ривожлантириш, даволаш ҳамда профилактикасининг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда айти дамда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, касалликларни эрта ташхислаш, даволаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда “...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш,

<sup>1</sup> Lai Y.J., Hsu T.Y., Lan K.C. et al. Asymptomatic pyuria in pregnant women during the first trimester is associated with an increased risk of adverse obstetrical outcomes // Taiwan J. Obstet. Gynecol. 2017. Vol. 56(2). P.192–195.

<sup>2</sup> WHO recommendations for prevention and treatment of pre-eclampsia and eclampsia. 2014. 39 p. Available at: [https://www.who.int/reproductivehealth/publications/maternal\\_perinatal\\_health/9789241548335/ru/](https://www.who.int/reproductivehealth/publications/maternal_perinatal_health/9789241548335/ru/). Accessed 06.04.2020.

<sup>3</sup> Акиншина С.В., Макацария А.Д., Бицадзе В.О. Значение оценки системы гемостаза для определения тактики ведения беременности у пациенток с ишемическим инсультом в анамнезе. Акушерство, гинекология и репродукция. 2017, 1. С.15-25.

оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослашган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш”<sup>4</sup> каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда плацента дисфункцияси кузатилган аёлларда касалликни эрта ташхислаш ва даволаш орқали перинатал касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон “Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида”, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Тиббий-профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сон “2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда фетал тиббиёт соҳасида эришилган сезиларли ютуқларга қарамай, баъзи ҳолларда турли омиллар туфайли ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврда жуда кўп асоратлар кузатилади. Замонавий диагностика ва даволаш усуллари жорий этилганига қарамай ҳомила ва она ўлими муаммоси бутунлай ҳал этилмаган. Бутун дунё олимлари плацента дисфункциясининг этиопатогенезини ўрганишмоқда (The National Clinical effectiveness Committee (NCEC), 2023; Health Information and Quality Authority (HIQA), 2022). Плацента дисфункцияси (ПД) ривожланишининг хавф омиллари ва диагностика мезонларини ўрганиш ижтимоий ва ахлоқий меъёрларни ҳисобга олган ҳолда самарали даволашни, ҳомиладорлик ва туғруқ вақтидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқишнинг зарур шартидир. ПДси билан преэклампсия соғлом ҳомиладор аёлларнинг 6-12 % ида, экстрагенитал касалликлар билан эса 20-40 % ҳомиладор аёлларда учраши қайд этилган (Ikuno K. et al., 2022; Ari W. Nanda, Alit S., 2022). Допплерометрик текширув натижаларининг патоморфологик ўзгаришлар билан солиштириш орқали, улардаги боғлиқлик ҳолатлари кўплаб чет эл тадқиқотларида амалга

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>.

оширилган (Burton G.J. et al., 2019; Carroll.A. et al., 2022; Debebe S.K. et al., 2020; Shahd A. et al., 2023).

МДХ давлатлари муаллифларининг маълумотларига кўра, 60 % дан кўпроқ ҳолатларда ПДнинг келиб чиқиш сабаблари инфекцион-ялиғланиш касалликлари ҳисобланади. Ушбу хавф омиллари таъсирида юзага келган она-ҳомила-йўлдош тизимидаги ўзгаришларда ПЭнинг ривожланиш кўрсаткичлари юқори эканлигини тақозо этади. Ҳомиладорлик вақтида баъзи хавф омиллари билан ПДнинг ривожланишига сабаб бўлган ҳолатлар кам клиник белгиларга эга бўлишига қарамай маълум шароит юзага келганда преэклампсияга ўтиши орқали ҳомиладорлик туғруқ ва туғруқдан кейинги даврда кўплаб асоратларга сабаб бўлиши ўрганилган (Пестрикова Т.Ю. ва ҳаммуалл., 2020; Брагина Т.В. ва ҳаммуалл., 2021; Саидова Ф.И. ва ҳаммуалл., 2017).

Мамлакатимизда экстрагенитал касалликлар ва ПД билан касалланган аёлларни ташхислаш ва даволаш, хусусан, ПДнинг мумкин бўлган этиопатогенетик омилларини баҳолаш, ушбу патологияни башорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш, эрта ташхис қўйиш ва у билан аёлларни даволашни оптималлаштириш бўйича доимий изланишлар олиб борилмоқда. Сурункали пиелонефрит ва анемия билан касалланган беморларда унинг асоратлари, гипертензив касалликларнинг олдини олиш ва башорати (Зуфарова Ш.А., 2010). Преэклампсия эрта диагностикаси ва башорат қилиш усулларини такомиллаштириш (Махмудова С.Э., 2020). Преэклампсия билан касалланган ҳомиладорларда марказий ҳамда бачадон-ҳомила-плацента гемодинамикасининг клиник-морфологик ва эхо-доплерографик хусусиятлари (Ходжаева М.Б., 2004). Преэклампсия ҳомиладорликнинг энг кўп учрайдиган ва оғир асоратларидан бири бўлиб, мамлакатимизда аёлларнинг 15-25% ташкил қилади. VEGF (қон томир эндотелиал ўсиш омили) преэклампсиянинг прогностик белгиси сифатидаги роли (Курбанов Б.Б., 2019). Темир танқислиги анемиясида гипертензив ҳолатларнинг учраши 32-45 % ни ташкил этади, шунингдек темир танқислиги бўлган ҳомиладор аёлларда преэклампсия патогенезида цитокинларнинг аҳамияти аниқланди (Джаббарова Ю.К. ва ҳаммуалл., 2019). Шунинг таъкидлаш жоизки, мазкур патологияга оид кўплаб тадқиқотлар мавжудлигига қарамай, ПДнинг сабабини аниқлаш муайян қийинчиликлар туғдиради. ПД патогенезининг этиологик омилга боғлиқ бўлган хусусиятлари тўлиқ аниқланмаган, шунингдек, тўлақонли, самарали даво чоралари билан солиштирма патогенетик натижалар алгоритми ишлаб чиқилмаганлиги фундаментал тадқиқотлар зарурлигини тасдиқлайди. ПДнинг турли даражаларида патогенетик хусусиятларини очиб бериш алгоритмини яратиш ва кам инвазив инструментал усуллар билан ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш ва уларни ўзаро боғлиқлигини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Юқорида санаб ўтилган муаммолар мавзунинг долзарблигини таъминлаб, хавф омилларини, клиник-патогенетик ва морфологик жиҳатларни чуқурроқ ўрганишни талаб қилади. ПДси ривожланган ҳомиладор аёлларнинг вазиятини чуқурроқ ўрганиш ва уни профилактика қилиш бўйича самарали чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш зарур, бу эса ушбу тадқиқотнинг долзарблигини асослайди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг № 012300281 “Аёллар ва болалар саломатлигининг тиббий-ижтимоий муаммолари. Ташхислаш, башоратлаш, даволаш ва олдини олиш муаммоларини ҳал қилиш” (2021-2023 йй.) мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** доплероетрик ва морфологик тадқиқотлар натижалари асосида анемия ва сурункали пиелонефрит билан касалланган ҳомиладор аёлларда плацента дисфункциясининг диагностик мезонларини ишлаб чиқиш ва преэклампсия ривожланиш хавфини аниқлаш, шунингдек, даволаш ва профилактика чораларини оптималлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ретроспектив таҳлил асосида анемия ва сурункали пиелонефрит билан касалланган ҳомиладор аёлларда доплероетрик текшируви натижалари ва энгил преэклампсия асосида плацента дисфункцияси билан касалланиш даражасини аниқлаш;

анемия ва сурункали пиелонефрит фонида ҳомиладорлик ривожланган аёлларда бачадон-плацента-ҳомила қон айланишининг бузилишини аниқлаш;

плацента дисфункцияси мезонларини аниқлаш мақсадида преэклампсия ривожланиш хавфи билан анемия ва сурункали пиелонефрит фонида плацента тўқималарида морфологик ўзгаришлар хусусиятларини баҳолаш;

анемия ва сурункали пиелонефрит фонида бачадон-плацента-ҳомила қон оқими бузилишининг даражасига қараб ҳомиладор аёлларни бошқариш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг туғруқ комплексида анемия ва сурункали пиелонефрити мавжуд бўлган 60 нафар ҳомиладор аёлнинг ҳомиладорлик, туғруқнинг кечиши ўрганилган. Проспектив текширув асосини ҳомиладор аёллар патология бўлими ва акушерлик бўлимларига мурожаат қилган 18 ёшдан 40 ёшгача бўлган 100 нафар анемия ва сурункали пиелонефрит фонида плацента дисфункцияси ривожланган ҳомиладор аёллар ташкил қилган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида анемия ва сурункали пиелонефрит туфайли плацента дисфункцияси ривожланган ҳомиладор аёллар, уларнинг анамнестик ва клиник кўрсаткичлари, бачадон-плацента-ҳомила комплексида доплероетрик кўрсаткичлари, киндик тизимчаси ва плацента тўқимаси олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қўйилган вазифаларни амалга ошириш ва тадқиқот мақсадига эришиш учун ишда умумий клиник, инструментал, морфологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

анемия ва сурункали пиелонефрит фонида бачадон-плацента-ҳомила тизимида қон айланишининг бузилиши кузатилиб, ПД ва преэклампсиянинг ривожланиши 46,7 % ни ташкил этганлиги аниқланган;

бачадон-плацента-ҳомила тизимининг томирларида плацента дисфункциясининг Допплерометрик ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилиб, (МСА да IR 15 %, a.umbilicalis 15-18 % камайган) доплерометрик текширишнинг спецификлиги – 85,4 % ва сезгирлиги – 78,6 % ни ташкил этиши исботланган;

анемия ва сурункали пиелонефрит билан касалланган аёлларнинг йўлдошида инволютив ва иккиламчи деструктив ўзгаришларни тавсифловчи морфологик ва морфометрик ўзгаришлар аста секин авж олиб бориб, компенсатор жараёнларнинг орқада қолиши билан морфофункционал этишмаслик ривожланиши асосланган;

ҳомиладорликнинг II ва III триместрида плацента дисфункциясини ўз вақтида ташхислаш учун ишлаб чиқилган алгоритм асосида олинган кўрсаткичларни баҳолашда L-аргининни комплекс терапиянинг бир қисми сифатида қўллаш гемодинамик кўрсаткичларнинг яхшиланишига олиб келганлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

анамнестик ва инструментал текширув натижалари асосида плацентар дисфункция хавф омиллари аниқланган;

L-аргининни ҳомиладорликнинг II ва III триместрида плацента дисфункциясининг олдини олиш ва даволаш комплексига киритиш преэклампсия ривожланиши хавфи остида бўлган ҳомиладор аёлларда акушерлик ва перинатал асоратларни камайтиришга ҳамда ҳомиладорликни бошқаришга ёрдам бериши асосланган;

преэклампсия ривожланиши хавфи остида бўлган ҳомиладор аёлларда профилактика чораларини қўллаш плацента дисфункциясининг ривожланишини ва унинг асоратларини камайтириши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий тадқиқотда замонавий назарий усуллар ва ёндашувларни қўллаш, услубий жиҳатдан тўғри тадқиқотлар, беморларнинг етарли сони, анамнестик, инструментал, морфологик-морфометрик ва статистик усулларнинг асосланганлиги, олинган маълумотларни статистик усуллардан фойдаланган ҳолда қайта ишлаш билан тасдиқланган, шунингдек тадқиқот натижалари хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар натижалари билан таққосланган, хулоса ва олинган натижаларнинг статистик усулларни қўллаш орқали ишончлилиги асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, преэклампсия ривожланиши учун хавф омиллари бўлган анемия ва пиелонефрит билан касалланган ҳомиладор аёлларда ПД диагностикаси учун комплекс мезонлар олинганлиги ва L-аргининни ҳомиладор аёлларни даволашга киритиш, акушерлик ва перинатал салбий асоратларни камайиши билан изоҳланади.

Допплерометрик ва плацентометрик маълумотлар ҳам олинди, улар плацента этишмовчилиги шароитида ривожланаётган ҳомиланинг бачадон-плацента-ҳомила қон оқимининг ҳолатини аниқ акс эттиради ҳамда преэклампсия билан касалланишнинг камайиши ва соғлом туғилган болалар сонининг қўпайиши такомиллаштирилган даволаш усулининг самарадорлиги

билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, анемия ва сурункали пиелонефрит фонида ривожланувчи ПДни башоратлаш, даволаш ва ташхислашнинг тавсия этилаётган методлари акушерлик асосларини 1,7 марта, перинатал асоратларни 2,5 ва преэклампсия асоратларини 4,6 марта камайиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгашининг 15.02.2024 йилдаги № 02/075-сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент тиббиёт академиясининг 2022 йил 22 февралдаги 03/559-сонли хати юборилган):

*биринчи илмий янгилик:* плацента дисфункцияси ва преэклампсия ривожланишига олиб келадиган анемия ва сурункали пиелонефрити бўлган ҳомиладорларда плацента дисфункцияси фонида преэклампсиянинг ривожланиши 46,7 % ни ташкил этиши аниқланди.

Анемия ва сурункали пиелонефрит билан касалланган аёлларда бачадон-плацента-ҳомила тизими гемодинамикасидаги ўзгаришлар оқибатида юзага келадиган перинатал асоратлар, шунингдек плацентар дисфункциянинг хавф омиллари туфайли перинатал ва онадаги оқибатлар ўртасидаги боғлиқлик исботлангани Тошкент Тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси туғруқ комплексининг 14.02.2024 йилдаги 42-сонли буйруғи ҳамда Республика ва Хоразм вилоят перинатал марказларининг 29.06.2023 йилдаги 79-сонли ва 06.07.2023 йилдаги 139-сонли буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** Тадбиқ натижалари ҳомиладор аёлларда преэклампсия риволанишини эрта муддатларда аниқлаш орқали бачадон, ҳомила ва плацентада қон айланишини яхшилаш чораларини кўриш ва бу орқали ҳомила ўсишидан орқада қолишининг, преэклампсиянинг оғир даражаларига ўтишининг, ҳомиладорлик асоратлари ривожланишининг олдини олишга ҳамда оналар ва болалар ўлимининг камайишига ёрдам беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: 2021 йил давомида мураккаб даволаш курслари ўтказилган, анемия ва сурункали пиелонефрит билан оғриган, ОП ва ҚВПда даволанган 20 нафар беморларнинг ҳомиладорлик давридаги тиббий хизматлари нархи 5 838 000 сўмни ташкил этган: 20 нафар аёл x 83 400 сўм x 3,5 й/к = 5 838 000 сўм. Аёлларнинг ушбу тадқиқот гуруҳида (2021-2023 йиллар) профилактика қилинмаган тақдирда давлат молиявий харажатларининг умумий қиймати олдиндан ҳисоблаб чиқилган ва натижалар ушбу гуруҳдаги ҳақиқий бюджет харажатлари билан таққосланди. Маълумотлардан кўриниб турибдики, иқтисодий самарадорлик 2021 йилда 77,12 фоизни, 2023 йилда эса 79,17 фоизни ташкил этди. Демак, 2021 йилда харажатларни минималлаштириш 18 124 800 сўмни, 2023 йилда эса 22 184 400 сўмни ташкил этди.

Касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг янги технологияларини жорий этиш самарадорлигини баҳолаш. Биз қуйидаги

кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқдик: 1.Тиббий хизматлар нархи (ТХН) формула бўйича  $TXH = (EKH \times B\check{U}QM) + KXH$ , бу ерда  $EKH$  – ётоқ кунлик нархи, сўм/йил;  $B\check{U}QM$  – даволаш профилактик муассасада беморнинг ўртача қолиш муддати (кунлар);  $KXH$  – қўшимча хизматлар нархи (дорилар + озиқ- овқат + коммунал хизматлар), сўм/йил. 2. Харажатларни минималлаштириш таҳлили (ХМТ), (масалан, шу даврлар 2021-2023 йиллар):  $XMT = TXH_{2021} - TXH_{2023}$  (сўм). 3. Битта беморга иқтисодий харажатлар ўзгариши ( $\Delta Их$ ):  $\Delta Их = Их_1 - Их_2$ ,  $Их_1$  - 2021 йилда битта беморга иқтисодий харажатлар;  $Их_2$  – 2023 йилда битта беморга иқтисодий харажатлар. **Хулоса:** презклампсия ривожланиши учун хавф омиллари бўлган ҳомиладор аёллар учун даволаш ва профилактик тадбирларни ўтқизиш, а.uterina et а.umbilicalis артерияларининг қон томир тонуси ҳолатига таъсир кўрсатадиган она–плацента-хомила тизимида қон оқимининг нормаллашишига ёрдам берадиган L-аргинин қўшилиши билан, плацента эрта қариши (инволюцияси) жараёнини олдини олиш ва секинлаштириш имконини берди.

**иккинчи илмий янгилик:** анемия ва сурункали пиелонефрити бўлган ҳомиладорларнинг бачадон-плацента-хомила тизимида плацента дисфункциясининг доплероетрик ташхислаш мезонлари баҳоланди (МСА да  $IR 15\%$  - ( $p < 0,05$ )), а.umbilicalis да  $IR - 0,62$  пасайди - ( $p < 0,05$ )). Соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент тиббиёт академиясининг 2022 йил 22 февралдаги № 03-559-сонли хати юборилган. Бачадон-плацента-хомила тизимининг томирларида плацента дисфункциясининг эхографик, доплероетрик ташхислаш мезонларини аниқлашда Тошкент Тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси туғруқ комплексида 14.02.2024 йилдаги 42-сонли буйруқ ҳамда Республика ва Хоразм вилоят перинатал марказларида 29.06.2023 йилдаги 79-сонли ва 06.07.2023 йилдаги 139-сонли буйруқлар билан амалиётига жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** ҳомиладорлик ва туғруқ асоратларини йўқотиш ёки эрта туғилишнинг (ЭТ) олдини олиш учун плацента дисфункциясини комплекс даволашни амалга ошириш билан, шу патологияда сарфланадиган харажатларда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни тежалишига имкон беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** аёлларнинг ушбу тадқиқот гуруҳида (2021-2023 йиллар) профилактика қилинмаган тақдирда давлат молиявий харажатларининг умумий қиймати олдиндан ҳисоблаб чиқилган ва натижалар ушбу гуруҳдаги ҳақиқий бюджет харажатлари билан таққосланди. Маълумотлардан кўриниб турибдики, иқтисодий самарадорлик 2021 йилда 77,12 фоизни, 2023 йилда эса 79,17 фоизни ташкил этган. Демак, 2021 йилда харажатларни минималлаштириш 18 124 800 сўмни, 2023 йилда эса 22 184 400 сўмни иқтисод қилинган. **Хулоса:** Допплероетрик текширув натижаларининг патоморфологик натижалар билан изоҳланиши бюджет маблағларини 1 198 660 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 599 330 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

**учинчи илмий янгилик:** Анемия ва сурункали пиелонефрити бўлган ҳомиладор аёлларда презклампсия ривожланишининг олдини олиш

мақсадида L-аргининни қўллашдан сўнг плацентада ижобий гистоморфологик ва морфометрик ўзгаришлар аниқланди. Мавжуд илмий адабиётлар маълумотлари бўйича йўлдош ҳар томонлама ўрганилгандек туйилади, лекин онанинг ҳар хил касалликлари, жумладан анемия ва сурункали пиелонефрит таъсирида ривожланадиган йўлдош етишмаслиги ҳолатининг туб морфологик ва морфометрик асослари тўлиқ ўрганилмаган, бу эса тиббиётда доимий долзарб муаммо сифатида сақланиб қолмоқда. Плацента дисфункциясида келиб чиққан ҳомиладорлик асоратлари учун касалхонада даволаш пайтида ўтказиладиган манипуляция харажатларини ва давлат томонидан ажратиладиган билвосита харажатларни минималлаштиришни таъминлайди. Шунингдек, муваффақиятли даво натижалар ва уларнинг прогностик аҳамияти асослангани Тошкент Тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси туғруқ комплексининг 14.02.2024 йилдаги 42-сонли буйруғи ҳамда Республика ва Хоразм вилоят перинатал марказларининг 29.06.2023 йилдаги 79-сонли ва 06.07.2023 йилдаги 139-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** куйидагилардан иборат. Шу билан бирга, агар бу аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқ асоратларини олдини олишга имкон берувчи Тивортин (L-аргинин эритмаси 4,2 %-100 мл) препарати ёрдамида комплекс даволашдан ўтмаганларида, уларда асоратланган ҳомиладорлик ва туғруқ бошдан кечирган бўлишлари ҳисобга олинди. Ишлаб чиқилган алгоритм асосида олинган кўрсаткичларни баҳолаш орқали ҳомиладорликнинг II ва III триместрида плацента дисфункциясини ўз вақтида ташхислаш билан акушерлик асоратларининг 1,7 баробарга, перинатал асоратларни эса 2,5 баробарга камайишига олиб келади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** L-аргинин (Тивортин эритмаси 4,2 %-100,0 мл) препаратини комплекс қўллаш билан преэклампсия билан оғриган ҳомиладор аёлларда плацента дисфункциясининг дори-дармонларни олдини олиш ва даволашнинг ишлаб чиқилган усули плацента дисфункцияси (эрта, кеч репродуктив йўқотишлар) туфайли келиб чиқадиган ҳомиладорлик асоратларини камайтириш имконини яратади. Дисфункция мавжуд аёлларда қон айланиш тизимидаги бузилишлар ҳомиладорлик натижалари бўйича олинган маълумотларга кўра, уларни эрта аниқлаш ва салбий оқибатларга олиб келиш хавфи юқори бўлганлиги сабабли, 5 838 000 сўмга иқтисод қилинган. **Хулоса:** ҳомиладорлик даврида асоратларни ривожланиши учун асосий хавф омилларини эрта аниқлаш туғруқнинг салбий натижаларини олдини олиш натижасида 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 15 000 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

**тўртинчи илмий янгилик:** Ишлаб чиқилган алгоритм асосида олинган кўрсаткичларни баҳолаш орқали ҳомиладорликнинг II ва III триместрида плацента дисфункциясини ўз вақтида ташхислаш билан акушерлик 1,7 марта, преэклампсия 4,6 марта ва муддатидан олдинги туғруқлар, хусусан, чақалоқларнинг эрта туғулиши 2,3 марта камайишига олиб келинди. Ўрганилган хавф омиллари билан ҳомиладорлик ва туғруқ кечиши ўртасидаги боғлиқлик исботлангани Тошкент Тиббиёт академияси кўп

тармоқли клиникаси туғруқ комплексининг 14.02.2024 йилдаги 42-сонли буйруғи ҳамда Республика ва Хоразм вилоят перинатал марказларининг 29.06.2023 йилдаги 79-сонли ва 06.07.2023 йилдаги 139-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** доплероетрик ва плацентоетрик усулларни фон касалликлари билан ҳомиладорлик даврида қўллаш акушерлик ва перинатал асоратларни ривожланишида уларни аниқлашнинг юқори прогностик аҳамияти ва самарадорлигини исботлашга имкон берди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: анемия ва сурункали пиелонефритни ўрганиш ва индивидуаллашган ҳомиладорликни олиб бориш натижалари ҳомиладорлик асоратлар сонини, даволаниш вақтини ва касалхонада қолишни камайтиришга имкон берди. Бу ҳар бир бемор учун 2 500 000 сўмни тежаш имконини берди. Яъни, бундай патологиялар билан асоратланган тақдирда, уни тузатиш учун қўшимча харажатлар 5 000 000 сўмни ташкил қилади. Таклиф этилаётган янги ёндашувнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида бундай харажатлар ўртача 2 500 000 сўмни ташкил этган. Натижада ушбу патология билан оғриган бир беморга аниқланган ёндашув ҳисобига юзага келиши мумкин бўлган асоратларни камайтириш ҳисобига 2 500 000 сўм маблағ тежалди (ТТА кўп тармоқли клиника туғруқ мажмуаси нархлари рўйхати бўйича). **Хулоса:** анемия ва сурункали пиелонефрит мавжуд аёлларда плацента дисфункциясининг мавжудлиги ҳомиладорликни асоратланишига, ҳомила ички ҳолати ва туғруқ асоратларининг оширганлиги натижасида 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 2 500 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 4 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, 1 та монография, 1 та услубий тавсиянома, 1 та рационализаторлик таклифи, 9 та тезис, жумладан, 3 та чет элда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этди.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва

амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Презклампися ривожланиш хавфи бўлган ҳомиладор аёлларда плацента дисфункцияси ҳақида замонавий тушунчалар”** деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган муаммо бўйича замонавий маҳаллий ва хорижий илмий адабиётларнинг таҳлили берилган. Асосий эътибор ҳомиладорларда сурункали пиелонефрит ва анемия фониди плацента дисфункциясининг келиб чиқиш сабаблари, бунга сабаб бўлувчи ёндош касалликлар ҳамда бундай ҳомиладор аёлларда туғруқ ва туғруқдан кейинги даврни олиб боришнинг энг мақбул усулларига қаратилган.

Диссертациянинг **“Сурункали пиелонефрит ва анемия билан касалланган ҳомиладор аёлларда плацента дисфункциясини ташхислаш учун тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида текширув гуруҳлари ҳақида умумий маълумотлар ва текширув усулларидан – умумиклиник, инструментал, морфологик, морфометрик ва статистик усуллари баён этилган.

Мақсадларга эришиш ва ПД ривожланишининг омилларини аниқлаш ва ҳомиладорлик, туғруқ, ҳомила ва янги туғилган чақалоқнинг ҳолати, тадқиқотнинг 1-босқичида ретроспектив анамнестик ва статистик таҳлил қилинган. 2018-2019 йиллар давомида ТТА 2-клиникасининг туғруқ комплексида анемия ва сурункали пиелонефрит фониди ПД ривожланган ҳомиладорликнинг 22-ҳафтасидан 38-ҳафтасигача бўлган 60 нафар (ПД билан стандарт терапия олган) ҳомиладорларда ўрганилган. Тадқиқотнинг ушбу босқичи ПД ривожланиши учун хавф омилларини аниқлаш имконини берди.

Асосий гуруҳга киритиш меъзонлари:

1. 18-40 ёш оралиғидаги ҳомиладор аёллар;
2. Сурункали пиелонефрит ва анемия билан ҳомиладорликнинг II ва III уч ойликлари;
3. Она-йўлдош-ҳомила қон айланиш тизими дисфункцияси мавжудлигидан иборат бўлди.

Асосий гуруҳдан чиқариш мезонлари сифатида:

1. 18 ёшдан кичик ва 40 ёшдан катта ҳомиладор аёллар;
2. ЁРТдан кейинги ҳомиладорлик;
3. Аутоиммун касалликлар;
4. Декомпенсация босқичидаги сурункали соматик касалликлар;
5. Жинсий аъзолар аномалияси ва юрак пороги;
6. Презклампися, гипертензив бузилишлар;
7. Плацентар дисфункцияга олиб келувчи алоҳида патологиялар (оғир даражали камқонлик, антифосфолипид синдроми, қандли диабет ва ҳоказо) ҳисобга олинди.

Текширувнинг 2-босқичи 2019-2021 йилларда 100 нафар сурункали

пиелонефрит ва анемия билан ҳомиладорлик муддати 22 дан 38 ҳафтагача бўлган, ПД ривожланган ва 100 та янги туғилган чақалоқлар ҳолати ўрганилган. Улар 2 гуруҳга бўлинган: I гуруҳ - анемия билан касалланган 40 ҳомиладор; II гуруҳ - сурункали пиелонефрит ва анемия билан касалланган 60 ҳомиладор аёллар. ПДси кузатилган ва енгил преэклампсия ривожланиш хавфи бўлган барча ҳомиладор аёллар L-аргининни 7 кун давомида вена ичига 4,2 % дан 100 мл гача, кейин 20 кун давомида кунига 20 мл сироп шаклида қабул қилганлар.

Ушбу терапия соматик касаллик (анемия, пиелонефрит) учун анъанавий терапия билан биргаликда ҳомиладорлик даврида икки марта ПД таъхиси билан текширувдан ўтказилган: 22-24 ва 28-32 ҳафталикларда.

III гуруҳ (назорат гуруҳи) да - 30 нафар соғлом ҳомиладор аёллар ва уларнинг янги туғилган чақалоқлари ҳолати баҳоланган.

ПД диагностикаси қўйидагиларга асосланган: ультратовуш маълумотлари, доплероетрик ўлчовлар, патоморфометрик тадқиқотлар ва статистик таҳлиллар.

Умумий клиник текширув усуллари – текширувга киритилган барча ҳомиладор аёлларда соматик ва акушер-гинекологик анамнез маълумотлари олинган. Анамнезда ривожланмаган ҳомиладорлик, инфекцион омиллар, ўз-ўзидан ҳомила тушиши, қоғоноқ сувларининг эрта кетиши, кўпсувлилик, камсувлилик, ҳомила ривожланишидаги ўзгаришлар эътиборга олинган. Объектив кўрик умумий кўрикни ўз ичига олган, бунда юрак-қон томир, нафас, асаб, овқат ҳазм қилиш ва сийдик ажратиш тизимлари ҳолати баҳоланган. Ультратовуш текширувда: фетометрик кўрсаткичлар “SanoScape S-22” (Хитой), Mindray DC-30 (Хитой) аппаратида: бипариетал ўлчам (БПЎ), пешона-энса ўлчами (ПЭЎ), қориннинг ўртача диаметри (ҚЎД), қорин айланаси (ҚА), кўкрак қафасининг ўртача ўлчами (КҚЎЎ), сон суягининг узунлиги (ССУ), ҳомила вазни, йўлдош шакли, жойи, контурлари, тузилиши, қалинлиги аниқланган. Плацентанинг етилиш даражасини аниқлашда Р. Grannum ва ҳаммуалифлар (1979) таснифи қўлланилди. Кардиотокографик текширишлар Agilent-50A (Philips, Германия) аппаратида 30 ҳафталикдан бошлаб ўтказилган. Ҳомиланинг биофизик профилида нафас ҳаракатлари, ҳомиланинг ҳаракат фаоллиги, мушак тонуси, амниотик суюқлик ҳажми аниқланган. Она-плацента-ҳомила тизимида қон айланишини доплероетрик текширишда бачадон артериялари, плацента ва киндик қон томирлари, ҳомиланинг ўрта мия артериясида текширилган.

Барча олинган маълумотларни математик-статистик таҳлили “Microsoft Excel” дастури ёрдамида ўрта арифметик (M) ва квадрат оғишнинг ўрта (m) кўрсаткичларни аниқлаш орқали амалга оширилди. Танловлар тақсимотининг тўғрилиги дастлабки баҳолашдан сўнг параметрик вариантларни таққослаш хатолар эҳтимолини ҳисоблаш билан (p) Стьюдент (t) мезони асосида амалга оширилди.

Морфологик текширув: туғруқдан сўнг ҳомиладор аёллар йўлдоши киндик тизимчалар билан биргаликда гистологик текширувга олинган. Ушбу

текширувда асосий гуруҳдаги аёлларнинг 39 тасидан йўлдош ва унинг қисмлари, назорат гуруҳидан эса 12 тасидан олинган йўлдош, киндик тизимчаси гистологик текширувдан ўтказилди. Натижаларнинг статистик ишлови Pentium-IV персонал компютерида “Statistica 6.0” дастурий тўплами ёрдамида ўртача арифметик миқдор (M), ўртача арифметик миқдор хатоси (m), Студент мезони (t) ва генерал дисперсиялар тенглиги (F–Фишер мезони) ни ҳисоблаш ёрдамида амалга оширилган. Статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида ишончлилик даражаси  $p < 0,05$  деб олинди.

Диссертациянинг **“Ретро- ва проспектив гуруҳлар. Презекламписия ривожланиш хавфи остида бўлган ҳомиладор аёлларда плацента дисфункцияси билан ҳомиладорлик, болалар ва янги туғилган чақалоқнинг ҳолати (туғилиш натижалари)”** деб номланган учинчи бобида белгиланган вазифаларни бажариш учун ўтказилган текширув натижалари ёритилган. Ушбу текширув натижалари морфологик текширув хулосалари билан солиштирилиб, хавф даражасини аниқловчи шкала ишлаб чиқилган.

Ретроспектив гуруҳдаги аёллар ўртача ёши  $27,2 \pm 0,10$ , асосий гуруҳдаги аёлларнинг ўртача ёши  $28,47 \pm 0,61$ , назорат гуруҳида эса  $28,03 \pm 1,02$  ёшни ташкил этди. Учала гуруҳда ҳам 18-25 ёш оралиғидаги аёллар энг кўп қисми ташкил этиб, 36 ва ундан катта ёшдаги аёллар асосий гуруҳда ишончли даражада кўплиги (7,8 %) аниқланди. Ижтимоий мақоми бўйича аёлларни тақсимлаганда учала гуруҳда ҳам уй бекалари учраш даражаси юқорилиги намоён бўлди. Паритетига кўра ретроспектив ва асосий гуруҳларда қайта туғувчи аёллар энг кўп учради, ретроспектив гуруҳ - 56,7 %, асосий гуруҳ - 64,0 %, биринчи ҳомиладор ва биринчи туғруқ кузатилган ҳомиладор аёллар энг кўп назорат гуруҳида 60,0 % билан ишончли даражада кузатилди ( $p < 0,05$ ). Энг кўп учрайдиган ҳолатлар анемиянинг енгил тури (91,67 %), сурункали пиелонефрит (55 %). Ретроспектив гуруҳда ҳомиладорлик давридаги гипертензив касалликлар 91,67 % ҳолларда ва асосан енгил презекламписия сифатида аниқланган. Ушбу ҳомиладорлик давридаги барча асоратлар 86,67 % да клиник ва инструментал ташхис қўйилган плацента дисфункцияси билан кузатилган ва 23,3 % да плацента дисфункцияси, кўпинча комбинацияланган этиологияга боғлиқ бўлган.


18,3 % ҳолларда ҳомиладорлик муддатидан олдин тугади. Акушерлик тарихи 8,33 % қоғоноқ пардаларининг эрта ёрилиши билан оғирлашган.

Қин орқали туғилиш пайтида бачадон бўшлиғини кўлда текшириш туғруқдаги аёлларнинг 3,3 фоизида амалга оширилган. Антенатал ҳомилалик ўлим кўринишидаги перинатал ўлим 10,0 % ни ташкил қилган. Асфиксия билан оғриган болаларнинг туғилиши 18,3 % ҳолларда кузатилган ва янги туғилган чақалоқларнинг 13,3 % ХРОҚ ҳолатида туғилган. Ушбу гуруҳдаги аёлларда туғруқдан кейинги давр 8,3 % ҳолларда атоник қон кетиши ва бачадоннинг субинволюцияси билан мураккаблашди, бунинг учун бачадон бўшлиғини кўл билан текшириш 3,3 % ҳолларда амалга оширилган.

1-гуруҳдаги аёлларда бу ҳомиладорлик назорат гуруҳидаги ҳомиладор

аёлларга (мос равишда 12,5 % ва 6,7 % гуруҳлар) қараганда 2,5 баравар тез-тез ҳомиладорлик қусиши ва гипертензив касалликлар билан асоратланди. ПД ушбу гуруҳда назорат гуруҳига (26,7 %) нисбатан 2,7 баравар юқори бўлган. Худди шундай корреляция 1 ва 2-гуруҳлар учун ҳам кузатилди (мос равишда 32,5 % ва 16,7 %).


ПД таъхиси қуйидагилар асосида ўрнатилади: акушерлик-гинеколог анамнез, клиник кечиши, УТТ маълумотлари, доплерометрик кўрсаткичлар ва патоморфологик текширувлар.



**1-расм. Текширилган аёлларда туғруқлар таҳлили, % да**

Натижалар шуни кўрсатдики, ушбу гуруҳда ривожланган барча асоратлар юқори ва улар назорат гуруҳининг кўрсаткичларидан сезиларли даражада ошиб кетган.

Туғилиш натижаларини таҳлил қилганда, барча тадқиқот гуруҳларида муддатли ва қин орқали туғилиш ўртасида сезиларли фарқлар йўқ.




**2-расм. Текширилган аёлларда туғруқ асоратлари, %**

Назорат гуруҳига нисбатан жарроҳлик йўли орқали туғилиш частотасининг ошиши, асосан, ушбу гуруҳдаги ҳомиладор аёлларда бачадоннинг морфофункционал қобилиятсизлиги билан боғлиқ.

Нормал жойлашган йўлдошнинг вақтидан олдин кўчиши ва бачадон субинволюцияси ҳолатлари фақат 1-гуруҳда кузатилган - мос равишда 10,0 ва 2,5 %. Туғилиш 12,5 % ҳолларда туғруқ дардлари сустиги билан асоратланди, бу назорат гуруҳига (6,7 %) нисбатан 1,8 баравар юқори. Ҳомила қоғаноқ пардаларининг вақтидан олдин ёрилиши 1-гуруҳга (12,5 %) караганда назорат гуруҳида (16,7 %) тез-тез кузатилган.

Даволашдан сўнг ўтказилган Допплерометрик кўрсаткичларга кўра, бачадон артериялари ва ҳомила киндик артерияларининг IR қийматларини бошланғич қийматлари билан солиштирганда пасайиши аниқланди. Даволашдан олдин ва кейин тадқиқот гуруҳларида ҳомиладор аёлларда бачадон артериялари ва киндик артерияларининг Допплер ўлчовларининг қиёсий натижалари келтирилган (3-расм).



**3-расм. ПД билан ҳомиладорликнинг II ярмида она ва ҳомила қон томирларида қон айланиши кўрсаткичлари.**

Таққослаш гуруҳларида бошланғич қийматлар билан солиштирганда, бачадон артериялари ва ҳомила киндик артериясида IRнинг пасайишига эришилди (1-жадвал). Ўнг ва чап бачадон артериялари ва ҳомила киндик артерияларида IR 1 ва 3-гуруҳларга нисбатан 2-гуруҳдаги беморларда сезиларли даражада паст: 1-гуруҳда  $0,47 \pm 0,016$  ва  $0,40 \pm 0,019$ ; 2-гуруҳда  $0,48 \pm 0,01$  ва  $0,39 \pm 0,015$ ; 3-гуруҳда мос равишда  $0,50 \pm 0,007$  ва  $0,50 \pm 0,007$ .

Шуни таъкидлаш керакки, 1-гуруҳдаги L-аргининни қабул қилган беморларда ўнг бачадон артерияси ва ҳомила киндик артериясида IR камаяди.

2-гуруҳдаги беморларда барча ўрганилган томирлардаги IR бошланғич қийматларга нисбатан сезиларли даражада камаydi ( $P < 0,05$ ).

**1-жадвал**

**Ҳомиладорликнинг II ярмида бачадон артериясининг қаршилик кўрсаткичларини (IR) қиёсий таҳлил қилиш, M±m**

Параметр	1 гуруҳ, (n=40)		2 гуруҳ, (n=60)		3 гуруҳ, (n=30)	
	Даволашдан олдин, M±m	Даволашдан кейин, M±m	Даволашдан олдин, M±m	Даволашдан кейин, M±m	Даволашдан олдин, M±m	Даволашдан кейин, M±m
IR Ўнг бачадон артерияси	0,47±0,016	0,40±0,019	0,48±0,011*	0,39±0,015	0,50±0,007	0,50±0,007
IR Чап бачадон артерияси	0,48±0,015	0,38±0,024	0,47±0,012*	0,33±0,019*	0,49±0,007	0,49±0,007
IR Киндик артерияси	0,66±0,017*	0,62±0,018	0,67±0,04**	0,61±0,015	0,64±0,010	0,64±0,010

\*p>0,01, \*\*p>0,05—назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончлилик даражаси

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, L-аргинин 1-гуруҳдаги ҳомиланинг бачадон томирларида ҳам, киндик артерияси ва ўрта мия артериясида ҳам гемодинамик кўрсаткичларни яхшилади; 2-гуруҳда бачадон қон оқимининг яхшиланиши кузатилди (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Ҳомиладорликнинг II ярмида даволашдан кейин она ва ҳомила қон томирларининг Допплерометрик кўрсаткичларнинг систолик-диастолик нисбати (СДН), M±m**

Кўрсаткичлар		Ўнг бачадон артериясида	Чап бачадон артериясида	Киндик артериясида	Ҳомила ўрта мия артериясида
1 гуруҳ	Даволашдан олдин	1,81±0,038	1,82±0,037	2,60±0,08	1,81±0,038
	Даволашдан кейин	2,01±0,043	1,96±0,035	2,78±0,082	2,01±0,043
2 гуруҳ	Даволашдан олдин	1,77±0,038	1,79 ±0,053	2,56±0,074	1,77±0,038
	Даволашдан кейин	2,00±0,033*	2,003 ±0,049*	3,02±0,063*	2,00 ±0,033*
3 гуруҳ	Даволашдан олдин	2,03±0,009	2,03±0,009	2,76±0,090	2,03±0,009
	Даволашдан кейин	2,15±0,011**	2,14 ±0,009**	3,02±0,088	2,15±0,011**

\*-p>0,01, \*\*p>0,05—назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончлилик даражаси

Даволаш курси тугаганидан кейин ўнг ва чап бачадон артерияларида ўртача систолик-диастолик нисбат 2-гуруҳда 1 ва 3 билан солиштирганда пастроқ бўлиб, 2-гуруҳда 2,00±0,033 ва 2,003±0,049, 1-гуруҳда 2,01 ±0,043 ва 1,96±0,035, 3-гуруҳда мос равишда 2,15±0,011 ва 2,14±0,009. Киндик артериясидаги ўртача систолик-диастолик нисбат 2-гуруҳда 1 ва 3 билан солиштирганда сезиларли даражада паст бўлиб, мос равишда 3,02±0,063,


2,78±0,082 ва 3,02±0,088 ни ташкил этди (P<0,05).

Ўрта мия артериясида ўртача систолик-диастолик нисбат сезиларли даражада фарқ қилди ва 1-гуруҳда 2,01±0,043, 2-гуруҳда 2,00±0,033 ва 3-гуруҳда 2,15±0,011 ни ташкил этди (P>0,05). Тадқиқот гуруҳларида ҳомиладор аёлларда критик қон оқимлари (нол ва тескари) аниқланмаган.

L-аргининни қўллаш қон томир дисфункциясини олдини олиш ва ҳомила гипоксиясини даволаш, сурункали анемия ва пиелонефрит фонида ПД билан касалланган ҳомиладор аёлларда ҳомила гипоксия ҳолатини яхшилашга имкон берди, бу Апгар шкаласи бўйича балларнинг кўпайиши билан намоён бўлди (4-расм).

1-гуруҳда янги туғилган чақалоқларнинг ўртача тана вазни 3143,7±64,0\* г, бўйи 54,55±0,35 см, 2 - гуруҳда тана вазни 3036,70±64,0\* г, ўртача бўйи 50,76±0,30 см. 1 - гуруҳдаги янги туғилган чақалоқларнинг бўй кўрсаткичлари 2-гуруҳдаги янги туғилган чақалоқларга қараганда 1,2 баравар юқори эди. Шундай қилиб, L-аргинин олган оналардан янги туғилган чақалоқларнинг тана вазни назорат гуруҳи даражасида эди (3000±0,3 г билан солиштирилганда 2,9 ± 0,3; P=0,18).

Барча янги туғилган чақалоқлар 1-5 дақиқада Апгар шкаласи бўйича 6-7 баллдан 8-10 баллгача етилган муддатда туғилган (расм 4). Ўртача балл – 1-гуруҳда - 9,8; 2-гуруҳда - 7,7 ва назорат гуруҳида - 9,0 баллни ташкил этди. Янги туғилган чақалоқларнинг ҳолатини баҳолашда ушбу гуруҳда ўртача Апгар кўрсаткичи 1-гуруҳга қараганда 1,2 баравар юқори эканлиги аниқланди.



**4-расм. ПД билан туғилган чақалоқларни Апгар шкаласи бўйича баҳолаш**

Диссертациянинг “Меъёрда кечган ҳомиладорликда ҳамда сурункали пиелонефрит ва анемия касаллигида плацента дисфункцияси ривожланиб, туққан аёлларнинг плацентасида юзага келган морфологик- морфометрик ўзгаришлар” деб номланган тўртинчи бобида йўлдош она организмида ҳомиладорлик даврида провизор аъзо сифатида шаклланиб, ҳомилани такомил топиши учун зарур бўлган аъзо ҳисобланади.

Ҳомиладор аёллар соматик касалликларида йўлдошнинг такомил топиши ва шаклланишининг ҳар хил босқичларида юзага келадиган клиник-морфологик ва морфофункционал жиҳатларининг турлича бўлиши ҳомилани ривожланиш тенденциясига кескин таъсир қилади.

Ушбу бобда, сурункали пиелонефрит ва анемияда ривожланадиган ўзгаришларни таққослаш мақсадида, 12 та меъёрга кечган ҳомиладорлик билан туққан аёллар йўлдошларининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари ўрганилди.

**Сурункали пиелонефрит ва анемия фонидаги ҳомиладорликда йўлдошдаги морфологик – морфометрик ўзгаришлар.**

Сурункали пиелонефрит ва анемияда йўлдошнинг ташқи кўринишида меъёрга нисбатан маълум ўзгаришлар ривожланганлиги кузатилди, унинг шакли ўзгарган, кўпроқ ноаниқ шаклга киргани билан фарқ қилди. Диаметри нисбатан катталашгани, 18,2 дан 25,3 смгача, ўртача 23,7 см, вазни камайгани, яъни 368,7 дан 506,4 граммгача, ўртача 434,2 гр., қалинлиги чет қисмида 1,3, ўрта қисмида 2,8 см. гача, ўртача – 2,5 смгача юққалашгани аниқланди.

Оналик юзаси яна ҳам нотекис, ҳар хил катталиқдаги бўлакчалардан иборат, майдони ўртача –  $477,4 \pm 36,7$  ( $p < 0,02$ ), тўқимаси қаттиқлашиб, эластиклиги камайган, кўпинча оқиш-қизил рангдалиги кузатилди. Туғилган чақалоқларнинг вазни ўртача  $3036,7 \pm 64$  гр.лигидан ҳомила-йўлдош коэффиценти  $6,99 \pm 0,42$  ( $p < 0,02$ ), йўлдош/чақалоқ индекси 1/7,0 гача камайганлиги аниқланди.

Бу алгоритм кўрсаткичлари ҳомиладорлик пайтида ривожланадиган онанинг касалликлари оқибатида баъзида кўпайиши, бошқа ҳолларда камайиши мумкин.

Кўрсаткичлардан: 1-9, 12, 16, 18, 20 – лари миқдори кўпайса, йўлдошда компенсатор жараёнлар авж олганлигидан, агар улар камайса атрофик жараёнлар ривожланганлигидан ва йўлдошда иккиламчи етишмаслик ҳолати мавжудлигидан дарак беради. Агар, 10, 11, 14, 15, 19 – кўрсаткичларнинг кўп миқдордалиги аниқланса, йўлдошда бирламчи етишмаслик ҳолати мавжуд ҳисобланади.

**Йўлдошнинг сурункали пиелонефрит ва анемиядан кейин ривожланган ўзгаришларининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичлардан иборат алгоритми**

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар				
	Назорат гуруҳи (n=12)	Анемия (n=18)	Сурункали пиелонефрит ва анемия (n=21)	↑	↓
Чақалоқ вазни, гр.	3365±85	3143,7±64*	3036,7±64**		↓
Йўлдош вазни, гр.	532,6±23,4	442,4±18,5*	434,2±17,4**		↓
